

Ҳадис дарслари (144-дарс). Набий алайҳиссаломнинг суннатларини ўрганишга ҳаракат қиляпмизми?



17:30 / 07.07.2021 3202

سَأَلْنَا دَعْسًا نَمَهْلَلُ لَوْ سَرَّ أَيُّ لَأَقُؤَنَّ عُنْه لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنْع
مَلَسُو هِي لَع هَل لِي لَهْلَلُ لَوْ سَرَّ لَأَقُؤَنَّ عُنْه لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنْع
مَلَسُو هِي لَع هَل لِي لَهْلَلُ لَوْ سَرَّ لَأَقُؤَنَّ عُنْه لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنْع
مَلَسُو هِي لَع هَل لِي لَهْلَلُ لَوْ سَرَّ لَأَقُؤَنَّ عُنْه لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنْع
مَلَسُو هِي لَع هَل لِي لَهْلَلُ لَوْ سَرَّ لَأَقُؤَنَّ عُنْه لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنْع

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«У киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни сизнинг шафоатингиздан энг саодатманд бўладиган ким?» деган экан. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эй Абу Ҳурайра, сенинг ҳадисга ўта қизиқишингдан шу гапни сендан олдин ҳеч ким сўрамаслигини билган эдим. Қиёмат куни менинг шафоатимдан энг саодатманд бўладиган кимса «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни чин қалбдан (ёки нафсидан) ихлос билан айтган одамдир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шарҳ: Абу Хурайра розияллоху анху аҳли суффадан бўлиб, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг масжидлари суффасида яшар ва доимо У зот соллаллоху алайҳи васалламнинг оғизларидан чиқадиган ҳадисларни пойлаб турар эдилар. Кўпинча саволлар ҳам берар эдилар. Абу Хурайра розияллоху анху ана шундай саволларидан бирида:

«Эй Аллоҳнинг Расули, қиёмат куни сизнинг шафоатингиздан энг саодатманд бўлдиган ким?» яъни, қиёмат куни сизнинг шафоатингиздан энг кўп насибага ҳиссадор бўладиган ким, деб сўраган эканлар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Эй Абу Хурайра, сенинг ҳадисга ўта қизиқишингдан шу гапни сендан олдин ҳеч ким сўрамаслигини билган эдим», дебдилар.

Бу эса Абу Хурайра розияллоху анху учун буюк шаҳодатдир. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг фалон саволни Абу Хурайрадан бошқа одам бермаса керак, деб юришларига сазовор бўлиш катта гап. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ўз гапларининг давомида:

«Қиёмат куни менинг шафоатимдан энг саодатманд бўладиган кимса «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни чин қалбдан (ёки нафсидан) ихлос билан айтган одамдир», дедилар.

Бу ерда ҳам ихлосга алоҳида эътибор берилмоқда. Ихлос Аллоҳни кўриб тургандек ибодат қилиш эди.

Демак, калимаи тавҳидни Аллоҳни кўриб тургандек ҳис билан, чин қалбдан айтиш қиёмат куни Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг шафоатларидан энг кўп баҳраманд бўлишга олиб келар экан.

Аввало, чин қалбдан ихлос билан айтиш шартлигию ихлос билан айтиш амалсиз бўлмаслигини унутмаслигимиз лозим.

Иккинчидан, «Лаа илааҳа иллаллоҳ» дейишдан мақсад, фақат шу иборани айтишдангина иборат эмас. Чунки ҳатто муржиаларнинг ўзлари ҳам «Лаа илааҳа иллаллоҳ»га «Муҳаммадур Расулуллоҳ»ни қўшиб айтмаса бўлмаслигини, бошқа иймон келтириш лозим бўлган нарсаларга иймон келтирмаса бўлмаслигини яхши биладилар.

Демак, «Лаа илааҳа иллаллоҳ»ни айтишдан мурод, Аҳли сунна ва жамоа қабул қилганидек, калимаи тавҳидни айтиб, унинг тақозоси бўйича иш тутишдир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Қиёмат, шафоат каби нарсалар ҳақида савол бериш мумкинлиги.
2. Қиёматда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари умматларининг ихлос ва қилган амалларига қараб бўлиши.
3. «Лаа илааҳа иллаллоҳ»нинг фазли улуғлиги.
4. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг аҳли фазл эгаларидан эканликлари.
5. Бировнинг фазли ҳақида ўзига хабар бериш мумкинлиги.
6. Ҳадисга ҳарис бўлиш – ниҳоятда қизиқишнинг яхшилиги.
7. Ихлос билан иш тутиш зарурлиги.

Ушбу ҳадиси шарифда зикр этилганидек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини, ҳадисларини иложи борича кўп ва яхши ўрганишга ҳаракат қилмоқдамизми?

Ваҳоланки, кўпларимиз ҳадис нима эканлигини яхши билмаймиз.

Ҳадисни ўрганиш, унга амал қилиш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчи эканлигини англаганимизда эди, ҳадис Қуръони Каримни тушуниш ва уни татбиқ қилишда биз учун энг ишончли масдар эканлигини билар эдик.

Ваҳоланки, ҳадис биз ўртак олишимиз лозим бўлган зот – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг гаплари, амаллари, тақрирлари, сифатларининг тўпламидир. У мусулмон учун ҳаётнинг ҳар бир соҳасида, ҳар бир ишида исломий кўрсатмалар манбаидир.

Ҳадисга ҳарис бўлмай туриб, уни яхши ўрганмай туриб, Исломни билдим, унга амал қилдим, дейиш қийин. Бу ишда бизга саҳобаи киромлар, хусусан, ушбу ҳадиснинг ровийси Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ўртакдирлар.

Ихлосли бўлиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ихлос бўлмаса, яхши натижага эришишимиз қийин. Ихлосли бўлсак, оз амалимиз ҳам кўп савоб келтиргай. Шундай экан, ихлосли бўлишга ҳаракат қилайлик.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан